

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

512 Давлат кадастрлари ягона тизимиға тегишли давлат
кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни
тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
8 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2618*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор килади**:

1. Давлат кадастрлари ягона тизимиға тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

С. АРАБОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 12 сентябрь,
12-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия, картография ва
давлат кадастри давлат қўмитасининг
2014 йил 12 сентябрдаги 12-сонли қарорига
ИЛОВА

**Давлат кадастрлари ягона тизимиға тегишли давлат
кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим
этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари тўғрисидаги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, Давлат кадастрлари ягона тизимиға тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

атрибутив маълумот — географик ахборот тизими объектларининг тавсифларини таърифловчи жадвалли ва/ёки матнли маълумотлар тўплами;

географик ахборот тизими (геоахборот тизими) (бундан бўён матнда ГАТ деб юритилади) — географик обьектлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш ва акс эттириш, шунингдек рақамли картографик, ўхшаш ва матнли ахборотдан фойдаланган ҳолда умумдавлат (тармоқлараро) ёки тармоқ аҳамиятига молик ахборот ва ҳисоб-китоб вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган тизим;

Давлат кадастрлари ягона тизимининг ГАТ (бундан бўён матнда ДКЯТ ГАТ деб юритилади) — Давлат кадастрлари ягона тизими масалаларини ечиш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган ГАТ;

давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар — зиммасига айрим давлат кадастрларини юритиш функциялари юклатилган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

тематик қатлам — маълум ҳудуддаги обьектлар тўплами учун умумий бўлган координаталар тизимида бир мавзуга (ўсимликларга, автомобиль йўлларига ва х. к.) тегишли бир типдаги фазовий обьектларни рақамли ифодалаш мажмуи;

фазовий (геофазовий) ахборот — жой обьектларининг ўрнашган жойи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи, маълум шаклда ва координаталар тизимида ифодаланган ахборот.

2. ДКЯТ ГАТ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг (бундан бўён матнда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси деб юритилади) Геодезия ва картография миллий маркази томонидан картографик ва тематик кадастр ахборотни ягона геофазовий ахборот базасига интеграциялаш мақсадида яратилади ҳамда юритилади.

3. ДКЯТ ГАТ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти учун, шу жумладан барча турдаги ресурслардан фойдаланишни бошқариш ва прогнозлаш масалаларини ҳал этиш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича лойиҳавий қарорлар қабул қилиш, худудларни ривожлантириш ва бошқа шу каби мақсадлар учун зарур бўлган фазовий (геофазовий) ахборот билан оператив таъминлашга мўлжалланади.

4. ДКЯТ ГАТни юритишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

хар бир давлат кадастри обьектининг тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча худудларини тўлиқ қамраб олиш;

макон координаталарининг ягона тизимини қўллаш;

кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

кадастр ахборотларининг ишончлилиги;

кадастр ахборотларининг очиқлиги.

5. ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламлар давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш ишларининг бажарилишига асосан шакллантирилиши ва уларнинг назорат ҳолатида юритилиши таъминланиши зарур.

2-боб. ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламларни шакллантириш ва уларни Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим этиш

1-§. ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламларга қўйиладиган умумий талаблар

6. ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламлар давлат кадастрларининг ҳар бир тури бўйича базавий картографик асосдан фойдаланиб, обьект турлари ва ахборот турлари (рўйхатдан ўтказишига оид, ҳисобга олишга оид, баҳолашга оид) бўйича, ArcGIS дастурий таъминотида (*.shp, *.gdb, *.mdb форматларда) шакллантирилади.

7. ДКЯТ ГАТнинг базавий картографик асоси 1:200 000 масштабдаги картага мувофиқ келадиган қўйидаги тематик қатламлардан ташкил топади:

«Математик асос» тематик қатлами;

«Гидрография» тематик қатлами;

«Жой рельефи» тематик қатлами;

«Аҳоли пунктлари» тематик қатлами;

«Алоқа йўллари» тематик қатлами;
«Тупроқ-ўсимлик қоплами» тематик қатлами;
«Сиёсий ва маъмурий чегаралар» тематик қатлами.

8. ДКЯТ ГАТ базавий картографик асосининг тематик қатламлари ҳамда давлат кадастрларининг тегишли ГАТларини юритиш учун зарур картографик асослар «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан шакллантирилади ҳамда давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органларга тақдим этилади.

9. ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламларнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ бўлиши лозим.

10. ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламларни шакллантиришда векторли обьектларнинг (нуқталар, чизиқлар ва полигонларнинг) ўзаро боғлиқлиги ва ёндошлиги уларнинг фазовий жойлашувини инобатга олган холда тасвирланади.

11. ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламларнинг атрибутив маълумотлари давлат тилида юритилади.

2-§. Давлат кадастрлари ягона тизимиға тегишли давлат кадастрлари маълумотларини тақдим этиш

12. Давлат кадастрлари ягона тизимиға тегишли давлат кадастрлари маълумотлари давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг Геодезия ва картография миллий марказига қўйидаги муддатларда тақдим этилади:

1) техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича — ҳар йили март ойида;

2) давлат сув кадастри (ер ости сувлари ва сувдан фойдаланиш бўлимлари), давлат ўрмон кадастри, ўсимлик дунёси обьектлари давлат кадастри, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри, давлат шаҳарсозлик кадастри, гидротехника иншоатлари давлат кадастри, маданий мерос обьектлари давлат кадастри, автомобиль йўллари давлат кадастри, етказиб бериш қувурлари давлат кадастри, алоқа обьектлари давлат кадастри, энергетика обьектлари давлат кадастри, чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри, табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (хавфли геологик жараёнларнинг юзага чиқиш ҳоллари ва сейсмик хавф юқори бўлган зоналар қисмлари) бўйича — ҳар йили апрель ойида;

3) хайвонот дунёси давлат кадастри бўйича — ҳар йили май ойида;

4) темир йўллар давлат кадастри, конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри бўйича — ҳар йили июнь ойида;

5) давлат сув кадастри (ер усти сувлари бўлими), табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (гидрометеорологик ҳодисалар хавфи юқори бўлган зоналар қисми) бўйича — ҳар йили декабрь ойида;

6) давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри, картография-геодезия давлат кадастрлари бўйича — йилнинг ҳар чорагида, кеъйинги ойнинг ўнинчи санасига қадар.

13. Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат кадастрлари маълумотлари давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри, картография-геодезия давлат кадастрлари бўйича ўтган чоракнинг охирги санаси ҳолатига кўра, бошқа давлат кадастрлари бўйича ўтган йилнинг 31 декабрь санаси ҳолатига кўра тақдим этилади.

3-боб. ДКЯТ ГАТга тақдим этиладиган маълумотларнинг таркиби ва мазмуни

14. ДКЯТ ГАТга тақдим этиладиган тематик қатламлар масштаб қатогида мувофиқ майдонли, чизиқли ёки нуктали типларда яратилади.

15. Ҳар бир давлат кадастри бўйича тематик қатламлар ва уларнинг атрибутив маълумотлар жадвали мазкур Низомнинг 16 — 36-бандларига мувофиқ шакллантирилади.

16. Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Техноген хавф юқори бўлган зоналарга эга корхоналар» тематик қатлами (1-жадвал);

«Юқори техноген хавф юзага келиши мумкин бўлган зоналар» тематик қатлами (2-жадвал);

«Одамларни зонадан эвакуация қилиш ёки кўчириш» тематик қатлами (3-жадвал);

«Бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфлилиги бўйича тавсифи» тематик қатлами (4-жадвал);

«Ёнфинга қарши сув манбалари» тематик қатлами (5-жадвал);

«Радиоактив махсулотларни, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари» тематик қатлами (6-жадвал);

«Радиациявий хавфга эга корхоналар» тематик қатлами (7-жадвал);

«Радиациявий хавф юзага келиши мумкин бўлган зоналар» тематик қатлами шакллантирилади (8-жадвал).

17. Давлат сув кадастри бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Сув объектлари — ер усти сувлари» тематик қатлами (1-жадвал);

«Сувларнинг сатҳлари», «Сув сарфи» тематик қатламлари (2-жадвал);

«Ер ости сув конлари ресурслари» тематик қатлами (3-жадвал);

«Ер ости сув кони участкаларининг тасдиқланган захиралари» тематик қатлами (4-жадвал);

«Сув чиқариш иншоотлари» тематик қатлами (5-жадвал);

«Ер ости сувларидан фойдаланиш» тематик қатлами (6-жадвал);

«Худудларда сувдан турли эҳтиёжлар учун фойдаланиш» тематик қатлами (7-жадвал).

18. Давлат ўрмон кадастри бўйича мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Ўрмон хўжалиги бўлимлари» тематик қатлами (1-жадвал);

«Ўрмон кварталлари» тематик қатлами (2-жадвал);

«Ўрмонли ерлар» тематик қатлами (3-жадвал);

«Ўрмонсиз ерлар» тематик қатлами (4-жадвал).

19. Ўсимлик дунёси обьектлари давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Қуий ўсимликлар» тематик қатлами (1-жадвал);

«Томирли ўсимликлар» тематик қатлами (2-жадвал);

«Қўзикоринлар» тематик қатлами (3-жадвал);

«Яйловлар ва пичанзорлар табиий ўсимлик қоплами ҳолатининг тавсифи» тематик қатлами (4-жадвал).

20. Мухофаза этиладиган табиий худудлар давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Мухофаза этиладиган табиий худудлар» тематик қатлами (1-жадвал);

«Мухофаза этиладиган табиий худудларнинг ўсимлик дунёси» тематик қатлами (2-жадвал);

«Мухофаза этиладиган табиий худудларнинг ҳайвонот дунёси» тематик қатлами (3-жадвал);

«Давлат табиат ёдгорликларининг умумий тавсифи» тематик қатлами (4-жадвал);

«Мухофаза этиладиган табиий худудларда табиатни мухофаза қилиш фаолиятининг асосий натижалари» тематик қатлами (5-жадвал).

21. Давлат шаҳарсозлик кадастри бўйича мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Шаҳарсозлик обьекти» тематик қатлами (1-жадвал);

«Функционал зоналар» тематик қатлами (2-жадвал);

«Худудни шаҳарсозлик нуқтаи назаридан баҳолаш» тематик қатлами (3-жадвал);

«Аҳоли пунктини геологик зоналаш» тематик қатлами (4-жадвал).

22. Гидротехника иншоотлари давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Сув омборлари», «III синфдан паст капиталликдаги сув омборлари» ва «Сел омборлари» тематик қатламлари (1-жадвал);

«Гидроузеллар» ва «III классдан паст капиталликдаги гидроузеллар» тематик қатламлари (2-жадвал);

«Каналлар» ва «III классдан паст капиталликдаги каналлар» тематик қатламлари (3-жадвал);

«Насос станциялари» ва «III классдан паст капиталликдаги насос станциялари» тематик қатламлари (4-жадвал);

«Коллекторлар» ва «III классдан паст капиталликдаги коллекторлар» тематик қатламлари (5-жадвал).

23. Маданий мерос объектлари давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Архитектура ёдгорниклари» тематик қатлами (1-жадвал);

«Археологик ёдгорниклар» тематик қатлами (2-жадвал);

«Монументал санъат ёдгорниклари» тематик қатлами (3-жадвал);

«Дикқатга сазовор жойлар» тематик қатлами (4-жадвал).

24. Автомобиль йўллари давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Автомобиль йўлларининг умумий кўриниши» ва «Автомобиль йўллари» тематик қатламлари (1-жадвал);

«Сунъий иншоотлар» тематик қатлами (2-жадвал);

«Тартибга келтириш ва жиҳозлаш объектлари» тематик қатлами (3-жадвал);

«Йўллар чорраҳалари ва туташувлари» тематик қатлами (4-жадвал);

«Химоя иншоотлари» тематик қатлами (5-жадвал);

«Бино-иншоотлар» тематик қатлами (6-жадвал).

25. Етказиб бериш қувурлари давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Газ етказиб бериш қувурлари — магистрал газопроводлар» тематик қатлами (1-жадвал);

«Газопровод-тармоқлари» тематик қатлами (2-жадвал);

«Газ тақсимлаш станциялари» тематик қатлами (3-жадвал);

«Компрессор станциялари» тематик қатлами (4-жадвал);

«Газни ер остида сақлаш станциялари» тематик қатлами (5-жадвал);

«Газни ер остида сақлаш станцияси кон зонаси» тематик қатлами (6-жадвал).

26. Алоқа объектлари давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Халқаро коммутация марказлари ва автоматик шаҳарлараро телефон станциялари», «Туман телекоммуникация узеллари ва шаҳар телекоммуникация боғламалари», «Автоматик телефон станциялари» тематик қатламлари (1-жадвал);

«Радиореле станциялари» тематик қатлами (2-жадвал);

«Радиотелевизион станциялар ва радио эшииттириш станциялари», «Йўлдош алоқаси ер станциялари» тематик қатламлари (3-жадвал);

«Мобиль алоқа коммутацияси марказлари», «Симсиз алоқа коммутация боғламалари» тематик қатламлари (4-жадвал);

«Базавий қабул қилиш-узатиш станцияси» тематик қатлами (5-жадвал);

«Кабель алоқа линиялари» тематик қатлами (6-жадвал);

«Радиореле алоқа линиялари» тематик қатлами (7-жадвал);

«Почта алоқаси худудий ташкилотлари», «Почта алоқаси шаҳар ва туман боғламалари», «Почтамтлар», «Почта алоқаси шаҳар ва қишлоқ бўлинмалари», «Алмашув пунктлари», «Почта пунктлари», «Куръер алоқаси обьектлари» тематик қатламлари (8-жадвал).

27. Энергетика обьектлари давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Иссиқлик электростанциялари ва иссиқлик электр марказлари» тематик қатлами (1-жадвал);

«Гидравлик электростанциялар» тематик қатлами (2-жадвал);

«Худудий электр тармоқлари корхоналари» тематик қатлами (3-жадвал);

«Магистрал электр тармоқлари» тематик қатлами (4-жадвал).

28. Чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Чиқиндиларни қўмиш жойлари» тематик қатлами (1-жадвал);

«Чиқиндиларни утилизация қилиш жойлари» тематик қатлами (2-жадвал).

29. Табиий хавф юкори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 14-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Хавфли геологик жараёнлар зоналари» тематик қатлами (1-жадвал);

«Хавфли геологик жараёнлар кичик зоналари» тематик қатлами (2-жадвал);

«Айрим хавфли геологик жараёнлар юзага чиқиш ҳоллари» тематик қатлами (3-жадвал);

«Сейсмоген зоналар» тематик қатлами (4-жадвал);

«Тебраниш зоналари» тематик қатлами (5-жадвал);

«Ер қобиғининг актив ёрилиш жойлари» тематик қатлами (6-жадвал);

«Кучли зилзилалар изосейстлари (>5)» тематик қатлами (7-жадвал);

«Зилзилалар эпицентрлари» тематик қатлами (8-жадвал);

«Сейсмик станциялар» тематик қатлами (9-жадвал);

«Ҳаво ҳарорати 40 градус ва ундан ортиқ бўлган кунлар сони» тематик қатлами (10-жадвал);

«Хавода охирги баҳор аёзининг бўлиши санаси» тематик қатлами (11-жадвал);

«Тупроқда охирги баҳор аёзининг бўлиши санаси» тематик қатлами (12-жадвал);

«Хавода биринчи куз аёзининг келиши санаси» тематик қатлами (13-жадвал);

«Тупроқ сиртида биринчи куз аёзининг бўлиши санаси» тематик қатлами (14-жадвал);

«12 соат ва ундан кам вақт мобайнида 30 мм ва ундан ортиқ ёмғир кўришидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони» тематик қатлами (15-жадвал);

«12 соат ва ундан кам вақт мобайнида 20 мм ва ундан ортиқ қор кўришидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони» тематик қатлами (16-жадвал);

«Ярим сутка мобайнида ёмғир кўришидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони» тематик қатлами (17-жадвал);

«Ярим сутка мобайнида қор кўришидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони» тематик қатлами (18-жадвал);

«15 м/сек ва ундан ортиқ тезликтаги кучли шамол бўлган суткалар сони» тематик қатлами (19-жадвал);

«Турли меъёрлардан юқори шамол тезлигидаги кучли шамоллар бўлган суткалар сони» тематик қатлами (20-жадвал);

«Атмосфера қурғоқчилиги бўлган кунларнинг умумий сони» тематик қатлами (21-жадвал);

«Гидрологик постларнинг жойлашуви карта-схемаси» тематик қатлами (22-жадвал);

«Сув миқдорининг гидрологик тавсифлари ва ҳисобот йилининг вегитация даврида фоизлардаги таъминлануви» тематик қатлами (23-жадвал);

«Селлар» тематик қатлами (24-жадвал);

«Кўчкилар» тематик қатлами (25-жадвал).

30. Табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 29-бандида кўрсатиб ўтилган тематик қатламлардан ташқари атрибутив маълумотлар жадвалига эга бўлмаган қўйидаги тематик қатламлар ҳам яратилади:

«Кўп йиллик давр мобайнида ҳаво ҳарорати 40 градус ва ундан ортиқ бўлган кунлар сонининг тақсимланиши карта-схемаси» тематик қатлами;

«Ҳаво ҳарорати 40 градус ва ундан ортиқ бўлган кунлар сонининг тақсимланиши карта-схемаси» тематик қатлами;

«Кунлар тақсимланишининг кўп йиллик давр давомида атмосфера қурғоқчилиги кўрсаткичи кўрсатилган карта-схемаси» тематик қатлами;

«Кунлар тақсимланишининг ҳисобот йили давомида атмосфера қурғоқчилиги кўрсаткичи кўрсатилган карта-схемаси» тематик қатлами;

«Тошқинлар, сув босиш ҳавфининг тақсимланиши карта-схемаси» тематик қатлами;

«Кўчки хавфининг тарқалиши карта-схемаси» тематик қатлами.

31. Хайвонот дунёси давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Сут эмизувчилар», «Кушлар», «Рептилиялар», «Сувда ва куруқлиқда яшовчи хайвонлар», «Балиқлар» тематик қатламлари (1-жадвал);

«Умуртқасизлар» тематик қатлами (2-жадвал).

32. Темир йўллар давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 16-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Станциялар» тематик қатлами (1-жадвал);

«Перегонлар» тематик қатлами (2-жадвал);

«Темир йўллар» тематик қатлами (3-жадвал);

«Ўтиш жойлари» тематик қатлами (4-жадвал).

33. Конлар, фойдали қазилмалар ва техноген хосилаларнинг юзага чиқиши холлари давлат кадастри бўйича мазкур Низомнинг 17-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Металлга оид фойдали қазилмалар (конлари)» тематик қатлами (1-жадвал);

«Металлга оид фойдали қазилмалар (юзага чиқиши холлари)» тематик қатлами (2-жадвал);

«Нометалл фойдали қазилмалар (конлари)» тематик қатлами (3-жадвал);

«Нометалл фойдали қазилмалар (юзага чиқиши холлари)» тематик қатлами (4-жадвал);

«Радиоактив хом ашё (конлари)» тематик қатлами (5-жадвал);

«Радиоактив хом ашё (юзага чиқиши холлари)» тематик қатлами (6-жадвал);

«Нефть ва газ конлари» тематик қатлами (7-жадвал);

«Тарқоқ конлар» тематик қатлами (8-жадвал);

«Тошкўмир ва ёнувчи сланецлар конлари» тематик қатлами (9-жадвал);

«Тошкўмир ва ёнувчи сланецларнинг юзага чиқиши холлари» тематик қатлами (10-жадвал).

34. Давлат ер кадастри бўйича мазкур Низомнинг 18-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

«Худудий даражадаги маъмурий-худудий бирликлар» тематик қатлами (1-жадвал);

«Туман (шахар) даражасидаги маъмурий-худудий бирликлар» тематик қатлами (2-жадвал);

«Қишлоқ ва шаҳар фуқаролар йиғинларининг маъмурий-худудий бирликлари» тематик қатлами (3-жадвал);

«Минтақа худудини кадастри бўйича бўлиш» тематик қатлами (4-жадвал);

«Туман (шахар)ни кадастри бўйича бўлиш» тематик қатлами (5-жадвал);

«Зоналар худудларини кадастр бўйича бўлиш» тематик қатлами (6-жадвал);

«Массивлар худудини кадастр бўйича бўлиш» тематик қатлами (7-жадвал);

«Мавзелар худудини кадастр бўйича бўлиш» тематик қатлами (8-жадвал);

«Ер участкалари» тематик қатлами (9-жадвал);

«Ер участкаларини ер фондидан тақсимлаш» тематик қатлами (10-жадвал);

«Худудни иқтисодий зоналаш» тематик қатлами (11-жадвал);

«Ерларнинг сифат таркиби (бонитировка)» тематик қатлами (12-жадвал).

35. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бўйича «Бинолар ва иншоотлар» тематик қатлами яратилади ва унинг атрибутив маълумотлар жадвали мазкур Низомнинг 19-иловасига мувофиқ шакллантирилади.

36. Картография-геодезия давлат кадастри мазкур Низомнинг 20-иловасига мувофиқ шакллардаги атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қўйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

1:1 000 000, 1:500 000, 1:200 000, 1:100 000, 1:50 000, 1:25 000 ва 1:10 000 масштабли топографик карталар ноширлик оригиналларининг мавжудлиги картограммалари тематик қатламлари (1-жадвал);

1:1000 000, 1:500 000, 1:200 000, 1:100 000, 1:50 000, 1:25 000 ва 1:10 000 масштабли топографик карталар тираж оттискларининг мавжудлиги картограммалари тематик қатламлари (2-жадвал);

«Шахарлар ва бошқа аҳоли пунктлари топографик планларининг ноширлик оригиналлари ва тиражлаш оттискларининг мавжудлиги картограммалари» тематик қатлами (3-жадвал);

«Аэрофотосъёмка материалларининг мавжудлиги картограммалари» тематик қатлами (4-жадвал);

«Ўзбекистон Республикаси ҳудуди космик съёмкаси материалларининг мавжудлиги картограммалари» тематик қатлами (5-жадвал);

«Триангуляция, давлат геодезик тармоғи ва давлат съёмка тармоғи пунктлари бўйича картограммалар» тематик қатлами (6-жадвал);

«Полигонометрия пунктлари» тематик қатлами (7-жадвал);

«Нивелирлаш пунктлари» тематик қатлами (8-жадвал);

«Ўзбекистон Республикасининг рақамли топографик карталари» тематик қатлами (9-жадвал);

«Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг рақамли топографик планлари» тематик қатлами (10-жадвал).

4-боб. Якуний қоидалар

37. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

38. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,

512-модда

— 210 —

41 (645)-сон

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маишӣ секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объекtlарининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси, «Ўзавтоўйл» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан келишилган.

Ички ишлар вазири

A. АХМЕДБАЕВ

2014 йил 2 сентябрь

*Фавқулодда
вазиятлар вазири*

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2014 йил 3 сентябрь

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2014 йил 4 сентябрь

*Маданият ва спорт
ишлари вазири*

М. ХОДЖИМАТОВ

2014 йил 26 август

Соғлиқни сақлаш вазири

A. АЛИМОВ

2014 йил 5 сентябрь

*Алоқа, ахборотлаштириш ва
телекоммуникация технологиялари
давлат қўмитаси раиси*

X. МИРЗАХИДОВ

2014 йил 26 август

41 (645)-сон

— 211 —

512-модда

*Геология ва минерал ресурслар
давлат қўймитаси раиси в. б.*

И. ТУРАМУРАТОВ

2014 йил 25 август

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўймитаси раисининг
биринчи ўринбосари*

A. TOXTAEV

2014 йил 22 август

*Табиатни мұхофаза қилиши
давлат қўймитаси раиси*

B. АБДУСАМАТОВ

2014 йил 29 август

*Фанлар
академияси президенти*

Ш. САЛИХОВ

2014 йил 25 август

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Гидрометеорология хизмати
маркази бош директори*

B. ЧУБ

2014 йил 27 август

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«Саноатгеоконтехназорат»
давлат инспекцияси бошлиги*

B. ГУЛЯМОВ

2014 йил 29 август

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«Давсувхўжаликназорат»
давлат инспекцияси бошлиги*

H. ЭРНАЗАРОВ

2014 йил 26 август

*«Ўзбекистон темир йўллари»
давлат акциядорлик темир йўл
компанияси бошқаруви раиси*

A. РАМАТОВ

2014 йил 29 август

512-модда

— 212 —

41 (645)-сон

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик
компанияси бошқаруви раиси

А. АБДУВАЛИЕВ

2014 йил 28 август

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик
компанияси бошқаруви раиси

И. БАСИДОВ

2014 йил 22 август

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг
компанияси бошқаруви раиси

Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2014 йил 25 август

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19		
Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг номи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ўрнаштани жойи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг эксплуатацияга киритиш санаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг вазифаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ҳозирги кундаги ҳолати			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни		
Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг номи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ўрнаштани жойи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг эксплуатацияга киритиш санаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг вазифаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ҳозирги кундаги ҳолати			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни		
Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг номи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ўрнаштани жойи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг эксплуатацияга киритиш санаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг вазифаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ҳозирги кундаги ҳолати			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни		
Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг номи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ўрнаштани жойи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг эксплуатацияга киритиш санаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг вазифаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ҳозирги кундаги ҳолати			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни		
Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг номи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ўрнаштани жойи			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг эксплуатацияга киритиш санаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг вазифаси			Техноген хавф юқори бўлган зона объектининг ҳозирги кундаги ҳолати			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни			Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар турни		

Давлат кадастрлари ягона тизимида тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиши тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

1-жадвал

«Техноген хавф юқори бўлган зонага эга корхоналар» тематик қатламининг атрибутив маълумотлари ЖАДВАЛИ

2-жадвал

41 (645)-сон

— 214 —

512-модулар

**«Юқори техноген хавф юзага келиши мумкин бўлган зоналар» тематик қатламининг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Объектнинг номи		Аҳоли сони (минг кинги)		Автотранспорт воситалари сони			Махсус техника		Якка тартибдаги ҳимоя воситалари		Эвакуацияни йўнаниши	
T/p				енгил автомашиналар	юқ автомашиналари	автобуслар	буньодзорлар	бошқалар	газинеблар	бонқалар		
			Эвакуация учун етиб келадиган одамлар сони (худудий фавкулодда вазиятлар организацири кучлари ва воситалари)									

**«Одамларни зонадан эвакуация қилиш ёки кўчириш» тематик қатламиининг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Объектнинг номи			Мумкин бўлган зарар тўғрисидаги маълумотлар								
Объектнинг ўрнашган жойи			Инсон саломатлиги учун салбий таъсир кўрсатувчи омиллар рўйхати								
Технологен хавф юқори бўлган зона объектининг вазифаси			Технологен хавф юқори бўлган зона ривожланишининг устулик қилувчи тури								
Юқори технологен хавф ва зарарланиши мумкин бўлган майдоннинг ўлчамлари			Зарарланиш зонасидағи одамларнинг сони								
Хабар бериш ҳолати			Иккисодий								
			Экологик								
			Иккимойи								

4-жадвал

**«Бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфлилиги бўйича тавсифи» тематик
қатламиининг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/p	Бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфлилиги бўйича номи	Бино ва иншоотнинг кадастр рақами	Ёнгинга бардошлиқ даражаси бўйича синфи (I, II, III, IV)	Портлаш-ёнгин хавфи бўйича тоифаси (A, B, V, Г, Д)	Ишчи хизматчилар сони		Қаватлар сони
					жами	сменада	
1	2	3	4	5	6	7	8

4-жадвалнинг давоми

Қаватлардан эвакуация қутқарув йўллари сони												Ёнгинга қарши ҳимоя тизимини мавжудлиги			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	Ёнгин ҳақида автоматик равишда хабар бериш кўрилмаси, ҳимоялаш майдони, м ²	Овозли хабарлаш тизими	Тутун тортиш тизими	Хаво бериш тизими
9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24

Ёнгинни автоматик равища ўчириш тизими		Авариявий ёки қутқарув ёритин тизими		Бирламчи ёнгин ўчириш воситаларининг мавжудигиги		Ёнгинга қарши ички ҳимоя		Иситиш тизимининг тури
25	26	27	28	29	30	31	32	33

4-жадвалнинг давоми

41 (645)-coh

— 217 —

5-жадвал

**«Ёнгинга қарши сув манбалари» тематик қатламиининг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

Сув манбаларининг идентификация рақами	Сув манбаларининг номи	Тури	Диаметри	Босими	Ҳажми, м³	Ҳолати
1	2	3	4	5	6	7

5-жадвалга изоҳ:

3 — 5-устунлар фақат гидрантлар учун тўлдирилади;
6-устунда ўт ўчириши учун қўлланиладиган сув манбаларининг (сув ҳавзалари, резервуарлар, фавворалар ва ҳ. к.) ҳажми кўрсатилади.

512-modul2

6-жадвал

**«Радиоактив маҳсулотларни, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари» тематик қатламининг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10		
Объектнинг номи		Объектнинг ўрнашган жойи		Объектнинг фойдаланишга кабул қилинган санаси		Объектнинг вазифаси		Объектда ишлан вақти		Радиациявий хавф баҳоси	
Т/р										Радионуклиидлар	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Ионлаштирувчи нурланиш манбани аниқлаш санаси	Ионлаштирувчи нурланиш манбани эксплуатация қилиш муддати	Ионлаштирувчи нурланиш манбани дастлабки фаоллити	Радионуклиидлар	Санитария ҳимояси зонаси	Санитария паспорти берилган сана ва унинг амал қилиш муддати						

7-жадвал

**«Радиациявий хавфга эга корхоналар» тематик қатламининг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Объектнинг номи		Объектнинг ўрнашган жойи		Объектнинг фойдаланишга кабул қилинган санаси		Объектнинг вазифаси		Объектда ишлан вақти		Радиациявий хавф баҳоси	
Т/р										Радиациявий хавфдан зарарланиши мумкин бўлган майдон	
Экологик	Ижтимоий	Иқтисодий	Иккита	Иккита	Иккита	Иккита	Иккита	Иккита	Иккита	Иккита	Иккита
Хавфли жараённинг ривожланиши	Санитария паспорти берилган сана ва унинг амал қилиш муддати										

**«Радиациявий хавф юзага келиши мумкин бўлган зоналар» тематик қатламиининг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

		Т/р		Объектнинг номи		Инсон саломатиги учун салбий тасбир кўрсатувчи омиллар рўйхати		Радиациявий хавфли объексларининг мавжудлиги		Хавфли жараёнлар ривожланишининг устунлик қилувчи турни		Мумкин бўлган зарап тўғрисидаги маълумотлар		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	иқтисодий	экологик	ијтимоий	

Давлат кадастрлари ягона тизимига
тегишли давлат кадастрлари
маълумотларининг таркиби ва уларни
тақдим этиш тартиби тўғрисида низомга
2-ИЛОВА

**Давлат сув кадастри бўйича тематик қатламлар атрибутив
МАЪЛУМОТЛАРИ**

1-жадвал

**«Сув объектлари — ер усти сувлари» тематик қатламиning атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/p	Сув объективининг гидрологик ўрганилганлик бўйича идентификация рақами	Сув объективининг номи	Сув объектида жойлашган постнинг ўриашган жойи	Сув объективининг типи	Этакдан масофаси, км	Сув тўпланадиган майдон, кв. км
1	2	3	4	5	6	7

1	2	Гидрологик постининг номи	3	Гидрологик постининг коди	4	T/p
	5	январь	6	февраль	7	
	7	март	8	апрель	9	май
	10	июнь	11	июль	12	август
	13	сентябрь	14	октябрь	15	ноябрь
	16	декабрь	17	Ўргача йиллик	18	Йил давомидаги ёнг катта
	19	Холатларнинг санаси/сони	20	Йил давомидаги ёнг кичик	21	Холатларнинг санаси /сони
	22	Кўп йиллар давомидаги ёнг катта	23	Кўп йиллар давомидаги ёнг катта	24	Холатларнинг санаси/сони
	25	Кўп йиллар давомидаги ёнг кичик	26	Холатларнинг санаси/сони		

2-жадвал

3-жадвал

**«Ер ости сув конлари ресурслари» тематик қатламининг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
T/p	Ер ости сув ҳавзаларининг номи	Ер ости сув ҳавзаларининг кадастр (идентификация) раками	Ресурслари ҳисобга олинган сана	Жами ресурслар захираси (минг м ³)	Прогноз қилинган ресурслар захираси (минг м ³)	Шу жумладан минералланув (1 г/л)	Шу жумладан минералланув даражаси 1-1,5 г/л	Шу жумладан минералланув даражаси 1,5-3 г/л	Шу жумладан минералланув даражаси 3-5 г/л	Шу жумладан минералланув даражаси 5 г/л дан күн

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
T/p	Ер ости сув кони участкаларининг номи	Ер ости сув кони участкаларининг кадастр (идентификация) рақами	Ер ости сув кони участкаларининг ўрнашган жойи	Жами захираси минг м ³	A+B+C1 Тоифаси бўйича захираси минг м ³	Тасдиқланган эксплуатацион захиралар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаган орган	Тасдиқланган эксплуатацион захиралар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаган баён рақами	Тасдиқланган эксплуатацион захиралар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқланган санга	Ер ости сувларининг инплатилинг тури	Амалда олинган сув хажми минг м ³

4-жадвал

5-жадвал

**«Сув чиқариш иншоотлари» тематик қатламининг атрибутив маълумотлари
ЖАДВАЛИ**

T/p	Сув чиқарини иншооти номи	Сув чиқариш иншоотининг кадастр (идентификация) рақами	Сув чиқариш иншоотларидан фойдаланиладиган тапниклот	Сув чиқариш иншоотининг ўрнашган жойи	Жами тасдиқланган захираси, минг м ³	Тасдиқланган эксплуатацион захиралар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаган ордн	Тасдиқланган эксплуатацион захиралар тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланган сана	Ер ости сувларининг ишлатилиши тури	Сув чиқариш иншоотларининг кудуклари сони	Сув чиқариш иншоотларининг тури	Амалда олинган сув ҳажми, минг м ³	Амалда олинган сув сифати, г/л
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

6-жадвал

